

Хижоб! У нима учун?

الحجاب لماذا

[Ўзбекча - أوزبکي]

2010 - 1431

[islamhouse](http://islamhouse.com).com

﴿الحجاب لماذا﴾

«باللغة الأوزبكية»

2010 - 1431

islamhouse.com

Хижоб нима учун керак?!

СҮЗ БОШИ

Барча оламларнинг хукмдори, меҳрибон ва раҳмли, киёмат кунининг подшоси бўлмиш Аллоҳ таъолога ҳамду санолар бўлсин, яхши окибат такво эгалари ва ҳалокат адолатсиз кимсалар учундир.

Парвардигорим, ўз банданг - расулинг Мухаммад Соллаллоҳу алайхи васаллам ҳамда у кишининг ахли ҳамда сахобаларига Сенинг раҳмат ва марҳаматларинг бўлсин.

Шариат мусулмон аёлнинг мавкеини кўтарадиган ва иффатини саклаш учун кафолат берадиган улкан гамхўрликларни ўз зиммасига олади.

Шариатда аёл либоси ҳамда зийнатларини муҳофаза килиб чегаралашдан максад ҳар кандай бузуклик ва хаёсизликка олиб борувчи омил хисобланмиш аёл гўзаллигини кўз-кўз килинишининг олдини олишдир. Бу соҳада Ислом конунлари ҳар кандай холатда ҳам аёл эркини асло чекламайди, аксинча уни хорлик ва разиллик боткогига ботиб колишдан муҳофаза килади. Шу билан бирга Ислом аёлни бегона номахрамларнинг назаридан саклайди.

Эй менинг муслима опа-сингилларим, ушбу рисолада биз хижобнинг фазилатлари ҳакида сўз юритмокчимиз, тики хижоб барча учун кадр-кимматли ва мўътабар бўлиб хисоблансин. Шунингдек, бу китобда хижоб тутувчиларнинг мунаввар тақдирлари ҳакида хушхабар берамиз. Биз ўзни кўз-кўз килишнинг ёмон окибатлари ҳакида сўз юритмокчимизки, бу нарсадан инсонларни кайтариш ва шу каби хаёсизликларнинг бу дунёда ва у дунёдаги оғир окибатларидан огоҳ килишни ўз олдимизга максад килиб кўйдик.

Мутлак сакловчи зот Аллоҳ таъолога беадад ҳамду санолар бўлсин ва Аллоҳ Ўзи биз учун ҳар ишда кифоядир.

ХИЖОБНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Хижоб Аллоҳ таъолога ва Унинг пайгамбарига бўлган итоатни ифодалайди. Аллоҳ таъоло Ўзига шунингдек, пайгамбарига итоат килишни барчамизга амр килди: «Аллоҳ ва Унинг пайгамбари бир ишни хукм килган – буюрган вактида бирон мўъмин ва мўъмина учун(Аллоҳнинг хукмини кўйиб) ўз ишларидан ихтиёр килиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан озибди.» (*Ахзоб сураси, 36-оят*).

Аллоҳ таъоло марҳамат килиб айтадики: «**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўзларида чиккан келишмовчиликларда сизни ҳакам килмагунларича ва кейин сиз чикарган хукмдан дилларида хеч кандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйинсунмагунларича зинхор мўъмин бўла олмайдилар**»(*Нисо сураси, 65-оят*).

Аллоҳ таъоло аёлларга хижоб тутишни буюрди. Кодир ва Олий зот бўлган Аллоҳ таъоло айтадики: «**Мўъмина аёлларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (харомдан) сакласинлар!** Ҳамда қўриниб тургандан бошка зеб-зийнатларини (яъни устиларидаги либосларидан бошка зеб-зийнатларини номахрамларга) кўрсатмасинлар ва қўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!...».
(*Нур сураси, 31-оят*). Ўз уйларингизда баркарор бўлинглар (яъни бесабаб ўз уйларингиздан ташкарига чикманглар, магар бирон бир хожат учун чикканларингизда эса) илгариги динсизлик(даври)даги ясан-тусан каби ясан тусан килманглар! (*Ахзоб сураси, 33-оят*).

Шунингдек, Аллоҳ таъоло айтади: «... Качон сизлар(пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар парда ортидан туриб сўранглар. Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам уларнинг дилларини ҳам тоза тутгувчироқдир» (*Ахзоб сураси, 53-оят*).

Шунингдек, Олий зот: «Эй пайгамбар, жуфтларингизга, кизларингизга ва мўъминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчикларини ўрасинлар!» (*Ахзоб сураси, 59-оят*) – дея марҳамат килади.

Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам айтганлар: “*Аёл авратдир*». Бу эса аёлнинг маствура – ўранган бўлиши кераклигини англатади.

ХИЖОБ - БУ ИФФАТ

Аллох таъоло аёлнинг хижоб тутишини иффат рамзи деб белгилади. Аллох айтади: «Эй пайгамбар, жуфтларингизга, кизларингизга ва мўъминларнинг аёллариға айтинг, устларига ёпинчикларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг якин(воситадир)» (*Aхзоб сураси, 59-оят*).

Аллох таъоло фитнага сабаб ва бирорларни ўзига жалб килиш ёшидан ўтган кекса аёллар хижоб ёпинмаган холда, юз ва кафтларининг очик бўлиши жоизлигини билдириб айтади: «Хотинлардан кексайиб колган, эрга тегишни ўйламайдиганлари бирон бир зеб-зийнатлари билан ясанмаган холларида кийимларини (яъни рўмол-ёпинчикларини) олиб кўйишларида уларда гуноҳ йўқдир.» (*Нур сураси, 60-оят*)

Лекин оятнинг давомида Аллох кекса аёллар учун афзалрок ва маъкулрок бўлган нарсани ойдинлаштириб баён киладики: «Ўзларини пок (яъни рўмол, ёпинчикларда) тутишлари ўзлари учун яхшироқдир» (*Нур сураси, 60-оят*), яъни у аёллар учун устки ёпинчиклари(хижоб-тарж.)да юришлари афзалрокдир. «Аллох эшитгувчи ва билгувчидир». (*Нур сураси, 60-оят*)

Ушбу тарика Аллох хижобни иффатнинг аломати эканлигини маълум киладики, хатто бу либос кекса аёллар учун хам лозим топилди. Энди фитнанинг уяси бўлган ёш кизлар хакида нима дейиш мумкин?

ХИЖОБ-БУ ПОКЛИК

Аллох таъоло айтади: «... Качон сизлар(пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар парда ортидан туриб сўранглар. Мана шу сизларнинг дилларингизни хам уларнинг дилларини хам тоза тутгувчироқдир» (*Aхзоб сураси, 53-оят*).

Аллох хижобни мўъмин ва мўъминалар калбидаги поклик каби тасвиirlади. Зеро, кўз бирон бир нарсани кўрмаса, калбда хам хеч кандай номаъкуллик кечмайди. Модомики кўз бирор нарсага тушар экан, калб хам бирор нарсани хохлаши ёки аксинча хохламаслиги хам мумкин. Бундан келиб чикадики, калб хам кераксиз, номаъкул нарсаларга гувоҳ бўлмаслиги лозимдирки, зеро бу нарса кишини йўлдан оздиради. Хижоб хатто калбida марази бор кишиларнинг хам шахватини ман килади. «Бас, сизлар (парда ортидан бирор номахрам эркакка жавоб килган пайтларингизда) майнин-назокатли сўз килмангларки, у холда кўнглида мараз-нифок бўлган кимсалар тамаъ килиб колур. Яхши-тўгри сўзни сўзланглар» (*Aхзоб сураси, 32-оят*).

ХИЖОБ БУ ХИМОЯ, ТАКВО ВА ИЙМОНДИР

Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи вассаллам айтганлар: «Аллох таъоло хаёли, кўздан яшириндир ва кўздан яширин(бўлишини) ёктиради. Шунингдек, Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Аллох буюк ва кодир зотдир. У зот либосини ўз уйидан бошка ерда ечган аёлни ўз химоясидан маҳрум килади» – дея марҳамат киладилар.

Аллох таъоло айтади: «Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни хам, ясан – тусан(либосини) хам туширдик. (Хаммасидан) яхшироқ либос такво либосидир» (*Аъроф сураси, 26- оят*).

Аллох таъоло хижоб хакида сўз юритар экан, хусусан, мўъмина аёлларга карата хитоб килади: «Мўмина аёлларга айтинг» (*Нур сураси, 31-оят*), «...ва мўъминларнинг аёллариға...» (*Aхзоб сураси, 59-оят*).

Бани Тамим авлодидан бўлган аёллар энсиз тор кийимларини кийган холларида Оиша (Аллох у кишидан рози бўлсин) онамизнинг хузурига келганларида у киши у аёлларга айтдиларки: «Агар сизлар иймонли аёллар бўлсангиз, бу либослар мўъмина аёлларнинг либоси эмас. Агар сизлар иймонсиз бўлсангиз, у холда бу либосларингиз билан хузурланиб юраверинглар».

ХИЖОБ БУ ХАЁ ВА АЁЛ НОМУСИННИГ КАЛКОНИДИР

Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи вассаллам шундай деганлар: «Хар бир дин ўзига хос хусусиятга эга. Исломнинг ўзига хос хусусияти хаёдидир».

Шунингдек, у киши айтганларки: «Хаё иймондандир, иймон эса жаннатда...». Яна Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи вассаллам айтганларки: «Хаё ва иймон ўзаро чамбарчас

боглиkdir. Агар ушбу икки сифатдан бири йўқ килинса, иккинчиси хам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади».

Оиша (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) хикоя киладилар: «Расулуллоҳ ва отам дағн қилинган уйга – даҳмага кирганимда бу ерда ўз отам ва эрим бор, деган ўй билан устимдаги ёпинчикни олиб кўяр эдим. Кейинрок бу даҳмага Умар дағн қилингач, ундан хаё қилиб ёпинчикка ўранган холда кирадиган бўлдим». Бундан маълум бўладики, хижоб аёл табиатига хос бўлган хаё билан уйгунлашади.

Шунингдек, соглом фикрли, эс-хуши жойида ва ўз аёли ёки кизини турли хил нопок назарлардан муҳофаза киладиган эркакнинг аёл номусини химоя килиш деган табиий туйгуси билан хижоб тўла мос келади.

Жоҳиляят ва ислом давридаги кўпгина конли тўқнашувларнинг асосий сабаби – аёл номуси ва эркини саклаш эди.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШНИНГ ИЛЛАТЛАРИ

Ўзни кўз-кўз килиб намойиш этиш Аллоҳ ва Росулига осийлик бўлиб хисобланади.

Дарҳакикат, кайси бир кимса Аллоҳ ҳамда Пайғамбарга бўйсунмас экан, факат ўзигагина зарар келтиради ва бу билан у киши Аллоҳга хеч қандай зиён етказолмайди. Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам айтганлар: «Умматимнинг барчаси жаннатга доҳил бўлади, магарам жаннатдан бош тортганларгина унга кирмаслар». Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи васалламдан сўрадилар: Эй Расулуллоҳ, жаннатдан бош тортувчилар ҳам борми? У киши жавоб бердилар: «Кимки менга итоат этса, жаннатга киради. Модомики менга итоат этмас экан, жаннатга киришдан ҳам бош тортибди».

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ КИШИНИ ЛАҲНАТГА ДУЧОР КИЛАДИ ВА АЛЛОХНИНГ РАҲМАТИДАН МАҲРУМ КИЛАДИ

У майя бинт Рукайка розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳузурига исломга содиклиги ҳакида қасамёд килиш учун келганида Росулуллоҳ унга дедилар: «Мен сендан куйидаги шартларга биноан қасамёдингни кабул киламан: Аллоҳга хеч нарса ва хеч кимни шерик килмайсан, ўғрилик, зино, гийбат ва тужмат килмайсан, фарзандларингни ўлдирмайсан, марҳумлар устида дод солиб йигламайсан, жоҳиляят даврингдаги каби ўзингни кўз-кўз килмайсан».

Бу ерда Расулуллоҳ ўзни кўз-кўз килишни энг даҳшатли, ҳалок килувчи гуноҳлар каторида санаб ўтдилар.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ КИЁМАТ КУНИДА ЗУЛМАТ-КОРОНГУЛИКДИР

Расулуллоҳдан ривоят киладиларки, «Ўз гўзалигини бирорлар олдида намойиш килувчи аёл киёмат кунида даҳшатли, нурсиз зулмат кўринишида бўлади». Бунинг маъноси шундан иборатки, бехаё ва ўз либосини магрурларча намойиш килаётган аёл киёмат кунида гўё даҳшатли коронгуликдан яралган каби коп-кора кўринишда намоён бўлади. Гарчи бу хадис ўз ишончлилиги жихатидан заиф бўлса ҳам, унинг мазмуни ҳақдир. Гап шундаки, гуноҳ иш килиш мобайнидаги лаззат азоб билан, роҳат укубат билан, тўклиқ очлик билан фаровонлик йўқчилик билан ёргулик зулмат билан жазоланади. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкинки, рўздор кишининг оғзидан келаётган хид ёки Аллоҳ йўлида курбон бўлган шахиднинг кони киёмат кунида мушк-анбарнинг хидидан кўра ёқимлирек, хушбўйрок деб эътироф килинади.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ – МУНОФИКЛИК

Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам шундай деб марҳамат килганлар: «Аёлларингизнинг энг яхиси, Аллоҳдан такво килувчи меҳрибон, хушмуомала, серфарзанд ҳамда юмиюктабиат ва ҳамдард бўлувчи аёллардир. Аёлларингизнинг энг ёмони ўзини кўз-кўз килувчи ва мутакаббир аёллардирки, улар мунофикдирлар. Бу каби аёллардан жаннатга факат «ок карга» ўҳшаганларигина кира оладилар». Ушбу хадисда Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам бу каби аёлларнинг жаннатга камдан-кам киришларини таъкидлаб улар учун «ок карга» иборасини кўчма маънода ишлатганлар. Аслида ҳам ок карга табиатда жуда кам учрайдиган кушдир.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ БЕХАЁЛИК ВА ШАРМАНДАЛИКДИР

Расулуллох дедилар: «Ўз эрининг уйидан бошка ерда либосини ечган аёл Аллох ва ўзи ўртасидаги пардани йиртибди. Албатта, Аллох хар ишига Кодир ва Буюк зотдир».

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ БУЗУКЛИКДИР

Аввалда таъкидлаганимиздек, аёл авратдир. Авратни очмок жирканч ва разил ишдир: «Улар качон бузук иш килсалар: «Ота-боболаримизни шундай холда топганмиз. Буни бизга Аллох буюрган», дейдилар. Айтинг (Эй Мухаммад) Аллох хеч качон бундай бузук ишларга буюрмайди» (*Аъроф сураси, 28-оят*).

Шайтондан бошка хеч ким бу каби бузукликлар килишга чорламайди: «Шайтон сизларни камбагал бўлиб колишингиздан кўркитади ва фахш ишларга буюради» (Бакара сураси, 268-оят).

Ўзини кўз-кўз килувчи аёл жамиятда бузукликларни таркатувчи хавфли ва заарли бактерия кабидир. Аллох таъоло айтади: «Мўъминлар орасида бузукликлар таркатишни яхши кўрган кимсалар бу дунёда хам, у дунёда хам аламли азобга гирифткордирлар. Аллох билувчи, сизлар эса билмассизлар».

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ ШАЙТОН ЙЎЛИДИР

Одам алайхис салом билан Хавво хамда Аллохнинг душмани Иблис орасида бўлган воеалар шуни маълум киладики, Иблис хамма ерда ахлоксизликни ёйиш ва одамларнинг авратларини очишга харакат килади. Иблиснинг асосий максади инсонларни хаёсиз килиш ва ўзларини кўз-кўз килишга ўргатишдир. Аллох таъоло айтади: «Эй Одам болалари, Шайтон оталарингизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш (яъни уятли ахволга солиш) учун либосларини ечиб жаннатдан чикаргани каби сизларни хам алдаб кўймасин» (*Аъроф сураси, 27-оят*).

Ушбу тарика Иблис ўз-ўзини кўз-кўз килиш ва ёпинчикларни ечишга бўлган даъватнинг асосчиси бўлди. Шунингдек, хозирда «аёл озодлиги» деб номланаётган сохта шиорларнинг хам раҳнамоси Иблиснинг ўзидир. У ўзига итоат килувчи ва Аллохга осийлик килувчиларнинг имоми-раҳнамосидир. Булар (яъни Аллохга осийлик килиб Шайтонга итоат этувчилар) биринчи навбатда ўзини кўз-кўз килувчи, мусулмон ёшларни йўлдан оздирувчи бехаё аёллардир. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Мен ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра хавфлирок фитнани колдирмадим».

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ ЯХУДИЙЛАР УСУЛИ

Яхудийлар халкларни аёл фитнаси ёрдамида бузиш бўйича нихоят даражада муваффакият козондилар. Аёлнинг ташки гўзаллигидан фойдаланиш ер юзидағи яхудий ташкилотларининг энг синалган ва энг ишончли қуроли хисобланади. Бу соҳада улар анчагина бой тажрибага эгадирлар. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: «Дунё ишларида эҳтиёткор бўлинглар шунингдек, аёллар масаласида хам эҳтиёт бўлинглар. чунки Бани Исроилдаги биринчи низо аёллар туфайли содир бўлди».

Расулуллох Соллаллоху алайхи васалламнинг кофиirlарга ўхшашдан ва аёллар масаласида уларга эргашишдан кайтарганига карамай, кўпчилик мусулмонлар бу кайтарикка амал килмаятилар. Шундай килиб Расулуллохнинг башоратлари рўёбга чикди. У киши айтганлар: «Сизлар аввалги халкларнинг изидан эргашасизлар. Хатто улар доб¹нинг инига кирсалар хам ортидан эргашиб кирасизлар. Расулуллоҳдан сўрадилар: Булар(аввалги халклар–тарж.) яхудий ва насороларми? Расулуллоҳ жавоб бердилар: Яна ким бўлмаса?!».

Аллох ва Расулига бўйсунмай, яхуд ва насороларга кўр-кўrona эргашаётган аёллар Аллохнинг буйругини «эшитдик ва итоат этмадик» дея карши олиб Аллохнинг газабига дучор бўлган яхудийларга накадар ўхшамасалар. Шунингдек, бу каби аёллар Аллохнинг амрини эшитгач, «эшитдик ва итоат этдик» дея жавоб бераётган хак муслима аёллардан накадар узок бўлмасалар. Аллох таъоло айтади: «Ким хак йўлни билганидан кейин

¹ - Доб калтакесаксимон судралувчи бўлиб, ўз иинини ер остидан ковлади. Унинг гўшти калтакесакнинг акси ўларок истеъмол килинади, хусусан ўтга тоблангани. Расулуллоҳга хам уни тақдим килинганида «Сизлар еяверинглар мен уни еб ўрганмаганман» деб жавоб берганлар. Добни баъзи уламолар ботмунчок деб хам атаганлар валлоҳу аълам.

пайгамбарга хилоф иш килса ва мўъминларнинг йўлларидан бошка йўлга эргашиб кетса, Биз уни кетганича кўйиб берамиз. Сўнгра жаханнамга дохил киламиз. Накадар ёмон жойдир у.» (*Niso suras, 115-оят*).

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ ЖОХИЛИЯТДИР

Аллоҳ таъоло айтади: «Ўз уйларингизда баркарор бўлинглар (яъни бесабаб ўз уйларингиздан ташкарига чикманглар, магар бирон бир хожат учун чикканларингизда эса) илгариги динсизлик(даври)даги ясан-тусан каби ясан тусан килманглар! (*Aхзоб сураси, 33-оят*).

Расулуллоҳ жохилият (исломдан аввалги) давридаги каби кийкирикларни ифлос ва жирканч амаллардан деб номлади ва бу даврдан юз ўгиришимизни буюрдилар. Куръонда Пайгамбар алайхис салом хакида шундай дейилган: «У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан кайтаради ва пок нарсаларни улар учун халол килиб, нопок нарсаларни уларга харом килади хамда улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди.» (*Аъроф сураси, 157-оят*).

Худди шу каби ўзни кўз-кўз килиш жирақанч ва разил ишдирки, бу нарса аввалги жохилият даврининг удуми эди. Расулуллоҳ бизни бу нарсадан кайтариб дедилар: «Мен жохилият давридаги барча нарсани бекор килдим». Бу хадис ўзини кўз-кўз килиш, жохилият пайтидаги каби ёрдам сўраб кийкириш, гийбат, гумонсираш, такаббурлик ва судхўрлик каби амалларни ўз ичига олади.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ БУ ХАЙВОНЛИК, КОЛОКЛИК ВА МАҶНАВИЙ БУЗУКЛИКДИР

Ёпинчиксиз ва ялангоч юришга интилиш факат хайвонларгагина хос бўлган тугма хусусиятдир. Инсонларда эса бундай хусусият факат тубан кишилардагина бўлиши мумкин. Бу каби инсонларнинг хаё ва хижоб кийиш хусусидаги онг савиялари хаё ва ўранишликка нисбатан табиий равиша мухаббат хисси билан Аллоҳ шарафлаган инсон онгининг савиясидан анча тубандир. Ўз зийнатларини кўз-кўз килишни, ахлоксизликни хамда хаёсизликни гўзаллик деб хисоблаш бу – инсоннинг табиий хусусиятиларининг бузилишидан ўзга нарса эмас. Холбуки, бу нарса жохиллик ва маънавий бузуклик белгисидир. Инсоннинг маънавий юксалиши унинг ўз авратини либос ёрдамида ёпиши билан чамбарчас bogлиq. Инсониятнинг либос билан ўраниши хамиша тараккиёт маҳсули бўлиб келган. Шунингдек, аёлнинг хижоб билан ўраниш инстинкти кишининг иймонидан кувват олувчи инстинкт – ўз номусини химоя килиш инстинкти билан тўла мувофик келади.

Авратни либос билан ўрашдан кочиш масаласига келсак, бу хол ўз гўзаллигини кўз-кўз килиш ва икки жинсни ўзаро шахвоний ишларга ундовчи, хирсдан кувват олувчи инстинктдир. Бундай ишга интилган ва бунга рози бўлган хар кандай кимса калбидаги ўз номусини саклаш хиссини йўкотади. Шунингдек ўша киши бунинг эвазига бузук аёлларнинг кўз-кўз килаётган гўзаллиги ва номахрам аёл билан зино килиш оркали жирканч маҳлукка айланади. Бундан келиб чикадики, суюкоёклик ва ўзни кўз-кўз килиш инсоний хусусиятларнинг йўқ бўлиши, бехаёлик, кизганиш хиссининг йўколгани ва хиссиётнинг заифлашуви, хис-туйгуларнинг нобуд бўлганидан нишонадир.

ЎЗНИ КЎЗ-КЎЗ КИЛИШ ТЕЗ АВЖ ОЛАДИГАН ЁМОНЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРАДИ

Шариат ва тарихни диккат билан ўрганган киши шунга амин бўладики, гўзалликни кўз-кўз килиш бу бузукликдир. Бу нарса динга хам, дунёга хам баробар зарар келтиради. Агар икки жинс андишасизларча фахш ишга машгул бўлса, иш яна хам ёмон тус олади. Бунинг ёмон окибатлари куйидагилар:

Суюкоёклар турли-туман бехаё либослар, зийнатлар билан эркакларнинг эътиборини тортиш учун ясан-тусан киладилар. Бу эса маънавиятнинг тубанлашуви ва пулларни харомга сарфлашга олиб келади. Бунинг окибатида аёл жирканч ва арзимас савдо молига ўхшаб коладики, уни хар кимга таклиф этиш ва хар ким кўздан кечириб чикиши бўлган матохга акланади.

Эркакларнинг маънавий бузилиши. Бу хол ёшларни биринчи навбатда ўспириналарни фохишабозлик ва турли харом ишларни килишга ундиади.

Оилавий алокаларнинг узилиши, оилада ўзаро ишончнинг йўколиши ва ажралишлар сонининг кўпайиши.

Аёлни реклама ашёси сифатида сотиш ёки унинг савдо тизимларида харидорларни чакириш воситаси бўлиб колиши.

Аёлни обрўсизлантириш, ёмон ният ва айёона максадларда уни барчага намойиш килиш. Бунинг окибатида аёл юзиз ва ёвуз кишиларнинг тажовузига дучор бўлади.

Турли хил касалликларнинг таркалиши. Бу хакда Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: «*Кайси бир кавмда фахи пайдо бўлса ва улар ўша иш билан очикдан очик шугулланишилари билан дархол улар орасида уларнинг ота-бобларида бўлмаган ўлат касаллиги ва бошка касалликлар таркалади*».

Нигоҳ билан зино килиш кенг таркалади. Расулуллох айтганлар: «*Кўз нигоҳ зиносини амалга оширади*». Бу холатларда Аллоҳ таълононинг раҳматига эришиш максадида шариатнинг бегона аёллардан нигоҳни олиб кочиш хакидаги буйргуни амалга ошириш кийинлашади.

Башарият учун Аллоҳнинг оммавий киргин балосини юбориш хавфи. Бунинг окибати атом куроллари ёки зилзилаларнинг асоратидан хам хавфлироқдир. Зоро Аллоҳ таъоло шундай деган: «Биз качон бир шахарни халок килишни хоҳласак, унинг боёнларини (Ўзимиз юборган пайгамбарга итоат этишга) буюриб, улар итоатсизлик килишгач, у шахар (ахолиси) устига Сўз(азоб тушиши) вожиб–мукаррар бўлур»(*Ал-исро сураси, 16-оят*).

Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: «*Агар инсонлар ёвузликни кўриб, уни ман килмасалар, улар Аллоҳнинг азоби тушишига якинлашибдилар*».

ШАРИАТ ТАЛАБ КИЛГАН ХИЖОБНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТЛАРИ

1. Хижоб аёлнинг бутун танасини ёпиб туриши керак, шу каторда хар эҳтимолга кўра юзини ва кафтини хам.

2. Хижобнинг ўзи безак, зеб-зийнат бўлмаслиги керак. Аллоҳ таъоло бу хакда шундай деган: «Кўриниб тургандан бошка зеб-зийнатларини (яъни устларидаги либосдан бошка зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмол билан тўссинлар» (*Нур сураси, 31-оят*). «...илгариги динсизлик (даври) даги ясан-тусан каби ясан-тусан килманглар!» (*Ахзоб сураси, 33-оят*). Аллоҳ хижобни аёлнинг гўзаллиги, зийнатларини беркитиб туриши учун мажбурий килди. Шунинг учун хам хижобнинг ўзи зийнат, ясан-тусан бўлиши аклсизлик хисобланади.

3. Хижоб кадди-коматни намоён киладиган даражада юпка матодан бўлмаслиги керак ва кўзга ташланмайдиган тусда бўлиши лозим. Факат шу холдагина аёлнинг хакикий ўранишига (хижобланишига) эришиш мумкин. Юпка хижоб аёлни номигагина ўрайди. Аслида эса у ялангоч холдадир. Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам айтганлар: «*Умматимнинг охираida ясан-тусан килиб кийинган – ялангоч(ярим ялангоч) бошлари тумянинг ўркачига ўхшиаш кийшайган аёллар бўладилар. Уларни лаънатланглар, чунки улар маъльун(яъни лаънатланган)дирлар*». Бошка бир хадисда бунга кўшимча равишда шундай дейилган: «*Улар харгиз жсаннатга кирмайдилар, хатто хидини хам хидламайдилар. Холбуки, унинг хиди бир канча масоғадан туриб сезилади*». Юкорида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, нафис, харир, коматларини кўрсатиб турувчи кийим кийиш каттик, халокатли гуноҳдир.

4. Хижоб кенг бўлиши, тор бўлмаслиги лозим. Чунки ундан максад атрофдагиларни ўзига жалб килишдан сакланишдир. Тор хижоб аёлнинг бутун коматини намоён килади. Бундай аёлга назари тушган эркак аёлнинг бутун кадди-коматини кўз олдига келтириб тасаввур килиши мумкин. Бундай холатда эса маълум бир разиллик, фитна содир бўлади. Усома ибн Зайд айтади: «Расулуллох Соллаллоху алайхи васаллам менга Дихятул-Калбий совга килган ёпинчигини бердилар. Мен эса уни ўз аёлимга кийдириб кўйдим. Кейинрок Расулуллох мени кўриб : «*Нега ёпинчигингни киймаянсан?*»- деб сўрадилар. Мен: “Уни аёлимга кийдириб

кўйдим»,- деб жавоб бердим. Шунда у киши айтдилар: «*Аёлингга бориб айтки, ёпинчикнинг ичидан кўйлак кийиб олсин, токи унинг комати ва жисми билинмасин*».

5. Хижоб атири ёки бошка хушбўй нарсалар билан хушбўйланган бўлмаслиги лозим. Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам айтганлар: «Хушбўй нарсаларни сепиб шу холда эркаклар ундан келаётган хушбўй хидни сезишлари учун уйидан чиккан ҳар кандай аёл зинокордир».

6. Хижоб эркакларнинг кийимиға ўхшамаслиги керак. Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам айтганлар: «Ўзларини эркакка ўхшатган аёллар бизлардан эмас ҳамда ўзларини аёлларга ўхшатган эркаклар хам бизлардан эмасдир». Абу Хурайра розияллоҳу анху шундай деган: «Расууллоҳ аёллар кийимини кийган эркакларни ва эркаклар кийимини кийиб юрувчи аёлларни лаънатладилар». Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам марҳамат килиб айтганларки: «*Инсонларнинг уч тоифаси борки, улар жаннатга кирмайдилар ва киёмат кунида Аллоҳ уларга киё ҳам бокмайди: Ота-онасины хурмат килмаганлар, ўзини эркакка ўхшатган аёл, ўз аёлининг иффатини саклашига бепарво бўлган эркак*».

7. Хижоб иймонсиз, кофир аёлларнинг кийимларига ўхшамаслиги шарт. Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам айтганлар: «*Кимки кайси бир кавмга ўзини ўхшатса, бас у ўшаларданди*». Абдуллоҳ ибни Амр шундай деганлар: «Бир куни Расууллоҳ Соллаллоҳу алайхи васаллам мени маҳсар бўёги билан заъфарон рангга бўялган кийимда қўриб: «*Бўй иймонсиз кишиларнинг кийими, буни асло бошка киймагин*, - дедилар.

8. Хижоб кўзга ташланувчан, атрофдагилар назарини ўзига тортадиган бўлмаслиги лозим. Расууллоҳ бу ҳакда шундай деганлар: «*Бу дунёда одамлар кўзига ташланувчи кийим кийиб юрувчи кимсага Аллоҳ киёмат кунида хорлик либосини кийдириб кўяди*». Кўзга ташланувчан ва ажralиб турувчи кийим, бу нарсани киювчилар учун одамларнинг диккатини ўзига жалб килиш воситаси бўлиб хизмат килади. Бу либос одамларнинг олдида гердайиб юрувчи мактанчок, кишининг кимматбаҳо, дабдабали кийими бўлиши ёки ўзининг зоҳидлигини намойиш килишга уринаётган риёкор кишининг жулдур кийими ҳам бўлиши мумкин.

ФИТНА КЎЗГОВЧИ ТАННОЗЛИК ЛИБОСИДАН САКЛАН

Эй менинг муслима синглим! Агар сен шариат юкорида келтирган шартларини билиб олган бўлсанг, шу нарсани тушуниб олишинг шартки, хижоб кийиб юрибман деган кизларнинг кўпчилиги аслида хижоб тутувчилар каторига кирмайди. Чунки уларда ҳакикий хижобнинг асаридан хеч нарса колмаган. Бу ерда ўз номи билан аталиши лозим бўлган нарса бошкачарок ном билан атамокда. Зоро, улар ўз гўзаллигини намойиш килишни хижоб тутиш деб, шунингдек, Аллоҳга осийликни Аллоҳга итоат деб номламокдалар.

Ислом тараккиётининг душманлари Исломни бошланишидаёк бўгиб йўқ килиш максадида ўзларининг «карши кураш машина»ларини ишга солиб Исломни емиришга бор кучларини сарфладилар. Лекин Аллоҳ таъоло уларнинг барча кирдикорларини барбод килди ва калбларида иймони событ бўлган мўъмин ҳамда мўъминалар Аллоҳга итоат этишда содик колдилар.

Очик курашда муваффакият козона олмаган Ислом душманлари Ислом тараккиётини хидоят йўлидан оғдириб юбориш максадида энг маккор ва энг разил усууллар билан зарба беришга касд килдилар. Улар ўзлари ихтиро килган янги нусхадаги хижобларни бу нарсани ўзаро мусулмонлар билан муроса, сулҳ деб номлаб фаол равишда тарката бошладилар. Шунингдек, улар бу нарса Аллоҳга итоат этишга ҳам, шу билан бирга жамиятни ҳам кониктиради, колаверса, аёл «гўзаллигини» ҳам муҳофаза килади деб жар солдилар.

Шаръий хижобнинг кўп ерда кенг таркалганлиги боис иктисодий кийинчиликларни бошидан кечираётган мода уйлари хижобнинг ҳакикий маъносини бузиб кўрсатувчи ва аёл гўзаллигини кўз-кўз килувчи янги сунъий хижоб намуналарини бозорларга таркатдилар. Натижада ўша сунъий хижоблар «замонавий хижоб» деган жарангдор номга эга бўлди, холбуки, бу каби нарсалар аввалда эхтиёткорлик ва танкид билан карши олинган эди. Ижтимоий кийинчиликларини даф килиш учун «муроса»га интилаётган суюкоёкларнинг маълум кисмини шаръий хижобнинг моддий зарбаси кийин ахволга солиб кўйди. Вакт

үтиши билан «замонавий хижоб» дея ном олган «фитна кўзувчи таннозлик либослари» хар ерда таркала бошлади. Ушбу ёмон отлик «хижоб»ни кийиб юрган кимсалар ўзларини намунали киз ёки аёл деб хисоблай бошладилар.

Замонавий хижобга ўралиб олган эй синглим! Ўз Роббинг Аллох ва пайгамбари рози бўладиган шаръий хижобга бу кийинишим мувофик келади деб кўр-кўрона инонишдан саклансангчи! Сенинг ушбу хатти-харакатингни мактаб, сенга ёмон маслахатлар бераётганларга алданиб колишидан эҳтиёт бўл. Буларнинг барчасига алданиб колмагин ва ўзингга ўзинг таскин бериб, «менинг ахволим мана бу очик-сочик юрганлардан кўра яхшироқдир, ахир ахмокона иш хам яхши иш каби турли даражага эга-ку», – деб айтмагин. Сен хижоб тутиш шартлари ва шариатнинг буйрукларини маҳкам тутган такволи опа-сингилларингдан ибрат олишинг лозимдир.

Расулуллоҳдан ривоят килинадики, у киши шундай деганлар: «Дунё ишларида ўзингиздан паст бўлган кимсаларга бокинг ва динда ўзингиздан юкори бўлган кимсаларга бокинг. Мана шу Аллохнинг сизларга берган неъматига нисбатан ношукур бўлмаслигинизга олиб борувчи бу энг муносиб ишдир».

Умар ибн ал-Хаттоб Аллохнинг куйидаги оятларини ўқидилар: «Албатта “Парвардигоримиз Аллоҳдир”, деб, сўнгра (ёлгиз Аллохга тоат-ибодат килишда) тўғри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): «Кўркманглар ва гамгин бўлманглар. Сизларга ваъда килинганд жаннат хушхабари билан шодланинглар! (Фуссилат сураси, 30-оят), сўнг у киши айтдилар: «Маккор тулкилар каби айёрлик килмай Аллохга бўлган итоатларида событ турган кимсаларга Аллохнинг Ўзи мададкор бўлсин».

Аллохга итоат этишда мустахкам ва огишмайдиган бўлинглар ва хак йўлдан хар кандай залолатдан холи бўлган холатда юриб боринглар. Хар кандай осийликни ташлаб чин дилдан тавба килишга шошилинглар. “Барчангиз Аллохга тавба килинглар, эй мўъминлар! Шоядки, (шунда) нажот топсангизлар» (Нур сураси, 31-оят).

Биз (ушбу буйрукни) эшитамиз ва унга итоат киламиз.

Калби Исломга нисбатан мухаббат ва хурматга тўла бўлган чин мусулмон Кодир ва Буюк бўлган Роббисининг буйругини эшитиши биланок, дархол уни хаётига татбик этади. Бунда хакикий мусулмонлар ўзларининг воеъдаги холатини тасаввур кила олмайдиган ва ўз тақдирига беътибор, ўзини йўқотиб кўйган кишилар тўдасига парво килмаган холларида Расулуллоҳнинг суннатларига итоат этадилар.

Аллох Буюк ва хар ишга Кодир зотдир. У Зот Ўзига ва пайгамбарига итоат этишдан бўйин товлаган кишиларнинг иймонини тан олмайди. Аллох таъоло айтган: «Улар (яъни мунофилар): «Аллохга ва пайгамбарга иймон келтирдик ва бўйсундик», дейдилар-у, шундан кейин улардан бўлган бир гурух юз ўгириб кетур. Улар мўъмин эмасдирлар. Качон улар Аллох ва Унинг пайгамбарига ўрталарида хукм чикариш учун чорлансалар, баногох улардан бир гурухи (пайгамбар хузурига келишдан) юз ўтирувчидир. Агар хакикат улар (тарафда) бўлса, (пайгамбар олдиларига) бўйин эгиб келурлар. Уларнинг дилида мараз борми ёки Мухаммаднинг хак пайгамбар эканлигидан шубҳадаларми ёхуд Аллох ва унинг пайгамбари ўзларига зулм килишидан кўркадиларми?! Йўк уларнинг ўзлари золимдирлар! Аллох ва унинг пайгамбарига ўрталарида хукм чикариш учун чорланган вактларида, мўъминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйинсундик» (демокдир). Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. Ким Аллох ва унинг пайгамбарига бўйинсунса ва Аллоҳдан кўркиб такво килса, бас, ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришгувчилардир» (Нур сураси, 47-52).

Сафийя бинти Шайба розияллоҳу анҳо айтган: «Биз Оиша розияллоҳу анхонинг уйида бўлганимизда курайш аёллари ва уларнинг фазилатлари хакида сўз очганимизда Оиша айтдиларки: «Курайш аёллари фазилат эгаларидир. Лекин Аллохга касам ичиб айтаманки, мен ансорий аёллардан кўра Аллохнинг китобини тасдикловчирок ва унинг оятларига иймонлирок аёлларни кўрмадим». «Нур» сурасидан ушбу оят нозил бўлди: «... кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар» (Нур сураси, 31-оят). Ушбу илохий хукмдан сўнг ансорий эркаклар ўз аёлларига бориб Аллох нозил килган оятни уларга тиловат килиб бердилар.

Ансорларнинг хар бир эркаги ушбу оятни ўз хотини, кизи, опа-сингиллари ва барча кариндошларига тиловат килиб берганларида буни эшигтан хар бир аёл Аллохнинг Ўз китобида нозил килган хукмига иймон келтириб, уни бажаришга интилган холларида дархол изор-лўнгиларини олиб унинг бир бўлагини йиртиб бошларига ёпдилар ва кўкракларини ёпинчик билан ўрадилар.

Хуллас, Аллохнинг буйруги билан баробар келадиган хеч нарса йўқ ва хеч кандай иккиланишсиз Аллох таъолонинг амрини бажариш лозим. Тавба килгин, муслима синглим! «Мен келажакда тавба киласман, намоз ўқийман, хижоб тутаман» деган сўзлардан йирок бўл. Чунки тавба килиши лозим бўлганлар учун тавбани ортга суриш хам гунохдир. Мусо алайхис салом айтган куйидаги сўзларни сен хам такрорлагин: «Мен эса сен рози бўлишинг учун шошдим, Парвардигорим!» (*Toxa surasi*, 84-оят).

Шунингдек, аввалги мўъмин ва мўъминалар айтган куйидаги гапларни сен хам айтгин:

«Эшигдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гунохларимизни магфират килишингни сўраймиз. Ва факат ўзингга кайтажакмиз» (*Bakara surasi*, 285-оят).

Хотимада Оламларнинг роббиси Аллох таъолога хамду санолар айтамиз!

Таржимон ва нашрга тайёрловчи:

УМАРАЛИ КУРБОН

Куръон оятларининг ўзбек тилидаги матнлари Алоуддин Мансур таржимасидан олинди.

Китобчанинг рус тилидаги матни интернет тармоги оркали www.badr.esmartkid.com вебсаҳифасидан олинган.